

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ЧЎЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф. Т. Ражабов

Чирчиқ давлат педагогика университети География кафедраси мудири
г.ф.ф.д. (PhD) доц.

Р. Х. Хидиров

Чирчиқ давлат педагогика университети Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш
методикаси (география) мутахасислиги II курс магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Республикамиз чўл яйловларининг бугунги кундаги ҳолати, чўл шароитида кўйларни озуклантиришда галофитлар, эфемер ва эфемероидлар, ҳамда псаммафитларнинг аҳамияти ва географик ҳолатини инобатга олиб ҳудудий қисмларга ажратиб фойдаланиш тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: чўл яйловлари, чорвачилик маҳсулотлари, чўл эрозияси, ўсимликлар, яйловлар майдони, қорақўл кўйлари, чорвачилик кластерлари, яйловлардан самарали фойдаланиш.

CHARACTERISTICS OF THE DEVELOPMENT OF DESERT-PASTURE LIVESTOCK IN THE TERRITORY OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article discusses the current condition of the desert pastures of our Republic, the use of halophytes, ephemerals and ephemeroids, as well as psammaphytes in the feeding of sheep in desert conditions, taking into account the importance and geographical location of them.

Keywords: desert pastures, livestock products, desert erosion, plants, pasture area, Karakol sheeps, livestock clusters, efficient use of pastures.

Бугунги кунда Ер шарининг чўл минтақасида иқлим шароитларини кескин ўзгариши оқибатида кумли чўлларни деградацияга учраши ҳамда тупроқларни шўрланиш даражаси ортиб, салмоқли ҳудудларнинг экологик ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда. Ўзбекистонда сўнгги йигирма йил ичида шўрланган ер майдонлари қарийб бир миллион гектарга ошган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотиغا кўра, шўр босган ерлар бугунги кунда Ўзбекистон умумий майдонининг деярли ўндан бир қисмини ташкил этмоқда.



Бундан ташқари, чўл минтақаси яйловларидан тартибсиз фойдаланиш натижасида ўсимлик қопламининг муҳим озубоқ турлари камайиб, пайҳон бўлмоқда, уларнинг ҳосилдорлиги ҳамда биологик хилма-хиллиги пасаймоқда.

Ўзбекистон чўл минтақасидаги чўл-яйлов чорвачилик хўжаликлари амалиётида табиий галофитлар, эфемер ва эфемероидлар, ҳамда псаммафитлардан кенг фойдаланилади, Ўзбекистон чўл минтақасида чўл-яйлов чорвачилигини тизимли ташкил этиш ва истиқболли соҳага айлантириш долзарб вазифалар сирасига киради. Бунинг учун деградацияга учраган чўл яйлов майдонларини қайта тиклаш ҳамда истиқболли, юқори оқсилли галофитлар ва псаммафитларни етиштириш жараёнини оқилона бошқариш зарур. Иқлимнинг глобал ва регионал ўзгаришида галофитлар ва псаммафитларнинг табиий флорасидан фойдаланиш, уларнинг худудга мос турларини танлаш, ҳамда галофит бута, ярим бута ва ўтчил экотип, маҳсулдорлик ва экологик чидамли бўлган турларни танлаш, уларни етиштиришнинг юқори самарали технологиясини қўллаш орқали ўсимликларнинг озубоқлигига эришиш мумкин.

Республикамизда кейинги йилларда Қизилқум чўлининг шўрланган тупроқлари ҳолатини яхшилаш ва шу минтақага мос, чорвачилик учун юқори озубоқ фитомасса (пичан) тўплашга қодир, янги тўйимли галофит ва псаммафит турларини танлаш ҳамда уларни етиштириш агротехнологияларини янада такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ–4243-сон қарорларида чорвачиликда озубоқ баъзасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилган. Бунда айниқса озубоқ базасини мустаҳкамлашда озубоқ экинлар навларини тўғри танлаб экиш, бирламчи уруғчилик ишларини талаб даражасида олиб бориш бўйича алоҳида топшириқлар кўрсатиб ўтилган. Шу жиҳатдан, деградацияга учраган чўл яйлов майдонлардан юқори самарали, ҳосилдорлиги юқори бўлган озубоқ галофитлар ва псаммафитларни етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади. [3]

Ўзбекистон Республикаси «Яйлов хўжалигини ривожлантириш» уюшмаси тасарруфидаги яйловларни яхшилаш деганда уларнинг табиий ўсимликлар қопламига деярли зиён келтирилмасдан, ўсимлик қопламида яхши ёки етарли миқдорда ривожланмаган, бироқ унувчанлик қобилияти йўқолмаган фойдали ўсимликлар уруғ заҳиралари бўлган майдонларда тупроқнинг сув-физик хусусиятларини яхшилаш, ҳамда майда шохли чорва молларини алмашлаб боқиш режаси асосида ўтлатишга қаратилган усуллар тизимини қўллаш тушинилади.[2]



Чорвачиликнинг муҳим ва салмоқли соҳасидан бири қорақўлчилик чўл яйловларидан бутун йил давомида фойдаланишга мослашган соҳа ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Қорақўлчиликда фойдаланиб келинаётган яйлов майдонлари вилоятлар бўйлаб бир текис тақсимланмаган. Бу жиҳатдан Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси энг юқори поғонани эгаллайди. Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари хўжаликлари ихтиёрида ҳам 2,6 ва 1,5 млн.га яйлов майдонлари мавжуд.

Ўзбекистон худудидаги (чўл, ярим чўл, адир (тоғ олди) ва тоғ) яйловлари майдони жами 21 млн 100 минг гектарни ташкил қилади. Республикамизда мавжуд яйлов ва пичанзорлар майдонлари 4 та баландлик минтақаси (чўл, адир, тоғ, яйлов) бўйича таҳлил қилинганда: Чўл минтақасида уларнинг улуши 78,1, адирларда-15,2, тоғда -4,5 ва яйловда -2,2% ни эгаллайди.

Чўл минтақасида яйлов чорвачилиги, хусусан қорақўлчилик ривожланган худуд ҳисобланади. Бу минтақада йиллик ёғингарчилик миқдори 100-250 мм ни, ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати +15 °С атрофида бўлади. Масалан Термизда ёзда ҳарорат +48-50 °С гача иссиқ, қишда эса -18-20 °С совуқ бўлса, республикамининг шимолий худудларида эса (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) ёзда ҳарорат +45-49 °С гача иссиқ, қишда эса баъзан -30-35 °С совуқ бўлади.

Ҳозирги кундаги яйловлар ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, қорақўлчиликда фойдаланадиган майдонларининг қарийиб 40% и турли даражада инқирозга учраганлигидан далолат беради. Жумладан, Навоий вилоятида - 43,8%, Қорақалпоғистон Республикасида - 43,4%, Бухоро - 37,6%, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида 23,4-25,4% ни ташкил этади. [2]

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, яйловлар инқирозга учраганлиги оқибатида уларнинг озуқа ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам охириги 10 йилликда анча пасайиб, гектаридан 2,4 центнердан 1,8 центнергача ёки 21% га камайган. Вилоятлар бўйлаб ҳосилдорликнинг пасайиши куйидагича бўлмоқда: Қорақалпоғистон-27, Бухоро- 18,5, Жиззах- 16,9 Навоий -26,5 Самарқанд-11,0 Қашқадарё-6,2 Сурхондарё-17,4 %.

Республикамиз чўл-яйлов чорвачилигида инқирозга сабаб бўлувчи омиллар ҳам, албатта, турли-туман: жумладан, уларнинг ялпи сони 45 тадан ортиқ бўлиб, 87% и инсон фаолияти билан бевосита боғлиқ; қолган 13% и табиий жараёнлар ҳисобланади. Чунончи, энг юқори инқироз (қарийиб 44% ни) ўсимликлар қопламанинг ўзгаришига тўғри келади; қолганлари (56%) йиғма омиллар таъсири ҳисобланиб, улар жумласига дефляция (кўм кўчиши) - 12%, шўрланиш - 9%, сув эрозияси - 6%, техноген ва бошқа омиллар зиммасига - 31% тўғри келади. [4]

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида қорақўлчиликни ривожлан тиришнинг 5 йиллик режалари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон” ушбу фармонида асосида кўрсатиб берилган. [1]

1-жадвал

2021-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида қорақўлчиликни ривожлантиришнинг (мақсадли параметрлари)

Т/р	Кўрсаткичлар		Ўлчов бирлиги	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
1.	Ўзбекистон Республикасида	Яйловлар майдони	минг гектар	17416	17416	17416	17416	17416
		Қорақўл қўйлари	минг бош	6261	6871	7872	8630	9494
2.	Қорақалпоғистон Республикасида	Яйловлар майдони	минг гектар	4596	4596	4596	4596	4596
		Қорақўл қўйлари	минг бош	343	874	1500	1725	1838
3.	Бухоро вилоятида	Яйловлар майдони	минг гектар	2355	2355	2355	2355	2355
		Қорақўл қўйлари	минг бош	1968	1968	1968	1968	1968
4.	Жиззах вилоятида	Яйловлар майдони	минг гектар	621	621	621	621	621
		Қорақўл қўйлари	минг бош	83	87	140	175	248
5.	Қашқадарё вилоятида	Яйловлар майдони	минг гектар	1214	1214	1214	1214	1214
		Қорақўл қўйлари	минг бош	1812	1812	1812	1812	1812
6.	Навоий вилоятида	Яйловлар майдони	минг гектар	7145	7145	7145	7145	7145
		Қорақўл қўйлари	минг бош	1549	1600	1881	2300	2856
7.	Самарқанд вилоятида	Яйловлар майдони	минг гектар	707	707	707	707	707
		Қорақўл қўйлари	минг бош	460	461	461	461	461
8.	Сурхондарё вилоятида	Яйловлар майдони	минг гектар	737	737	737	737	737
		Қорақўл қўйлари	минг бош	45	65	104	177	295
9.	Хоразм вилоятида	Яйловлар майдони	гектар	41000	41000	41000	41000	41000
		Қорақўл қўйлари	бош	1000	4000	6000	12000	16000

Жадвални таҳлил қиладиган бўлсак: Ўзбекистон Республикаси яйловларининг ҳосилдорлиги -21% пасайишига қарамасдан 2021-2025 йилларда 3 млн 233 минг бош, Қорақалпоғистон Республикаси яйловларининг ҳосилдорлиги - 27% пасайишига қарамасдан 2021-2025 йилларда 1млн 495 минг бош, Жиззах вилояти яйловларининг ҳосилдорлиги 16,9% пасайишига қарамасдан 2021-2025 йилларда 165 минг бош, Навоий вилояти яйловларининг ҳосилдорлиги -26,5 пасайишига қарамасдан 2021-2025 йилларда 1млн 307 минг бош, Сурхондарё-17,4 % пасайишига қарамасдан



2021-2025 йилларда 250 минг бош қўйларни кўпайтириш режалаштирилган.

Шунингдек фармонда Кластерларга яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шоҳли наслдор молларни кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали хом ашёни чуқур қайта ишлашни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича мажбуриятлар юклатилган.

Вилоятлар кесимида яйловларга ажратилган майдонлар кенгаймаган бўлсада Қорақўл қўйларининг сонини ошириб бориш режаси ишлаб чиқилган. Шу ўринда савол туғилади Яйловлар майдони ушбу Қорақўл қўйларини кўпайишига тайёрми? Яйлов (флораси) ўсимликлари (эфемер ва эфемероидлар) йўқолиб кетмаяптими? Чет давлатлар тажрибасидан (яйловларни қисмларга бўлиб алмашлаб) фойдаланиш даври келмадими? Ана шундай саволларга жавоб излаш учун бу борада илмий изланишлар олиб боришни тақазо қилади.

Яйловлардан тўғри ва унумли фойдаланиш учун уларда молларни боқишни ўз вақтида бошлаш ва тугатиш лозим. Молларни эрта баҳорда яйловларда боқмаслик орқали яйлов ўтларига ривожланиш ва ерда мустаҳкамланиб олиш имкониятини яратиш керак, шундагина улар моллар боқилгандан сўнг қайта тез ўсади. Чунончи ўрмон яйловлари ўтларининг баландлиги 12-15, ўрмонсимон даштники 10-12, қуруқ даштники 8-10, чўлники 6-10, турли ўтли тоғ олдиниқи 10-15, бошоқли ва турли баланд ўтли тоғ олди 20-25, экилган яйловларники 15-20 см баландликка етганда боқиш тавсия этилади. Боқиш даврида доимо молларни ёш ўтли яйловларда боқиш лозим. Биринчи боқиш бошоқлиларнинг трубка ҳосил қилиш, дуккакларнинг ва турли бошқа ўтларнинг ёнбош ўсимталари пайдо бўлганида, ердан нам қочган даврда бошланади. Бошоқли ўсимликлардан иборат бўлган яйловларда чорва молларини боқиш уларнинг ярим бошоқланиш давригача, дуккакли ўсимликларда уларнинг гуллаши бошлангунга қадар давом этади. [2]

Ҳозирги кунда қорақўлчилик яйловлари ҳолатини яхшилашнинг энг самарали усуллардан бири уларни микрохудудларга ажратиб ишлов берилиб яйловларда ўсимлик генофондини бойитиш мумкин. Бундан ташқари чўл худудларида ихотазорлар барпо этиш, улар чўлларга хос кучли шамолларнинг эсиш тезлигини секинлатади; қишда қор тўпланишини таъминлаб, тупроқда намнинг узокроқ сақланишига эришилади. Яйлов ўсимликларининг ўсиш шароитлари яхшиланганлиги оқибатида уларнинг ҳосилдорлиги 1,5-2 баробар ошади.

Қорақўл зотли қўйларни боқувчи кластерлар ижарага олган яйловларида ушбу чора-тадбирларни амалга оширсан:



яйлов ҳосилдорлиги ошади, озиқа сифати яхшиланади, ўсимлик қоплами кенгаяди, ўсимликлар ялпи турлари ва миқдори кескин кўпаяди. Пировард натижада Ўзбекистон Республикасининг чўл-яйлов чорвачилигидан келадиган ялпи даромади ошиб иқтисодий самарадорликга эришади.

REFERENCES

1. “Ўзбекистон Республикасида Пиллачилик ва Қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ- 6059-сон Фармони.
2. Муқимов Т., Рўзибаев Н., Мурадов Р., Норкулов М., Холтўраев А. Результаты мониторинга семенных участков неинвазивных высокопродуктивных пастбищных культур. “Чўл яйлов чорвачилигининг ривожланиш истиқболлари.” Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2020. б. 235-236.
3. Бекчанов Б., Махмудов М.М. Галофит ўсимликлар ва уларни Қизилқум шароитида маданийлаштиришнинг дастлабки натижалари. // Ўзбекистон деҳқончилик – саноат мажмуасининг илмий таъминоти. Илмий сессия материаллари. Т.; «Фан», 1993. 2-жилд. -Б.351-355.
4. Бекчанов Б., Махмудов М.М. Шўрланган майдонларда парваришлагга мўлжалланган озуқабоп галофитлар намуналари каталоги. Самарқанд: 2005. -14 б.
5. Махмудов М.М. Ортикова Л.С. Галофиты – ценные объекты для фитомелиорации аридных пастбищ.// Материалы международной научно-практической конференции: “Роль молодых ученых в развитии каракулеводства”. –Шымкент: 2009. -С.88-89
6. Махмудов М.М., Ортикова Л.С., Приемы фитомелиорации на пастбищах Кызылкум.– Ташкент: Зооветеринария. 2009. -№4. –С.43-44.
7. Хидиров Р.Х. Чўл-яйлов чорвачилигини географик ўрганишнинг илмий асослари. Табиий фанларнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. 2022. Б.272-274

